

## № 147822-сонли пудрат шартномаси

Шароф Рашидов тумани

“27” сентябр 2022 йил

**Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошқармаси** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи в.в.б. **А.Абсаитов** ва “**STROY IZOBILIE**” МСНҲ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари **И.Шокировлар** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

### Шароф Рашидов туман Раваллиқ МФЙ Гулбоғ кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил “27” сентябрга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорига бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома тегишли юрист хулосаси олиниб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

#### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

#### 3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига муносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

#### **4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **ҚҚС билан биргаликда 298 000 000,0 ( икки юз туксон саккиз миллион) сўми** ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % микдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилини бартараф этишдан озод этмайди.

#### **6. Форс-мажор ҳолатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқатининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

#### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

#### **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сузтақшлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;  
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборди.

## 9. Яқуний қондалар

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.2. Шартномага

илова

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**“Ижрочи”  
“STROY IZOBILIE” МСНҲ**

**“Буюртмачи”  
Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш  
бошқармаси**

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

(буюртмачи номи)

Манзил: **Жиззах шаҳар Олмозор МФЙ Рохат  
кўчаси 42-уй**  
Тел./факс (90) 504-01-77


Манзил: **Шароф Рашидов тумани Кахрамон  
МФЙ Гулбоғ кучаси 1-уй**  
Тел./факс (72) 222-05-12

(х/в ёки ШИФХ) **20208000704173448001**  
Банк номи: **АТ Алока банк Жиззах вилоят  
филиали**  
МФО: **00401**                      **СТИР 203894036**  
ИФУТ: **61110**

ШИҲХ\* **100022860082127045204110001**  
Ташкилотнинг СТИРи **201 009 503**  
ИФУТ **90211**  
Ҳазначилик бўлинмасининг номи  
**Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани бўйича  
Ҳазначилик бўлинмаси**

**ЯҲҲ 23 402 000 300 100 001 010**  
Банк номи: **Марказий банкнинг  
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси  
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)**  
МФО: **00014**  
Ҳазначилик бўлинмасининг  
СТИРи: **201 122 919**

Раҳбар:

**И.Шокиров**  
(лавозим) (Ф.И.Ш)  
  
(ИМЗО)



Буюртмачи  
раҳбари :

**А.Абсаитов**  
(лавозим) (Ф.И.Ш)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi.

2. Loyihaning mazmuni:

Sharof Rashidov tuman Obodonlashtirish boshkarmasi (keyingi o‘rinlarda “Buyurtmachi” deb yuritiladi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi boshligi v.v.b. A.Absaitov va “STROY IZOBILIE” MCHJ keyingi o‘rinlarda “Pudratchi” deb yuritiladi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi korxonah rahbari I.Shokirovlar o‘rtasida umumiy bahosi 298 000 000,0 (ikki yuz tuqson sakkiz million) so‘mni tashkil etuvchi pudrat shartnomasi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot;

Sharof Rashidov tuman obodonlashtirish boshqarmasi. tomonidan 2022-yil 30-sentabrda yuridik markazga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuristkonsulti:**



**G.Anorboyeva**

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиги в.в.б.

А. Абсаитов

26-сентябр 2022 йил.



Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан  
Шароф Рашидов туман Раваллиқ МФЙ Гулбоғ кучасини жорий таъмирлаш  
ишларини бажариш учун

### ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 8

26.09.2022 йил.

Шароф Рашидов тумани

Биз куйида имзо чекиб тасдиқловчилар комиссия раиси Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси бош мухандиси А.Абсаитов, комиссия аъзолари бошкарма ходимлари Ф.Азимжонов, Ш.Шадиёв, Г.Исроилов, М.Тогаев ва К.Норматовлар Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан **Шароф Рашидов туман Раваллиқ МФЙ Гулбоғ кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун** 22.09.2022 йилда 22110012147822-сонли лот билан 299.998.654.00 сумга Давлат харидлари махсус порталига энг эҳши таклифни танлаш учун эълонга куйилган.

2022 йил « 26 » сентябр куни комиссия томонидан юкоридаги лот буйича келиб тушган таклифлар урганилиб, “STROY IZOBILIE” МСНЖ корхонаси томонидан берилган 298 000 000,0 сумлик Шароф Рашидов туман Раваллиқ МФЙ Гулбоғ кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун таклифи энг яхши таклиф деб топилиб, “STROY IZOBILIE” МСНЖ корхонаси танлов голиби булган.

Шароф Рашидов туман “STROY IZOBILIE” МСНЖ кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун таклифига 2022 йил 26-сентябр куни танловда голиб булган “STROY IZOBILIE” МСНЖ корхонасига дастурда шакланган 147822-сонли баённомасига кура УРК 684-нинг 7-8 бандига мувофик баённома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мухокамада турди ва 2022 йил 22-сентябр кунигача юкорида курсатиб утилган лот голиби буйича бошкармага хеч кандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли ушбу “STROY IZOBILIE” МСНЖ корхонаси билан 26.09.2022 йилда Шароф Рашидов туман Хавастлик МФЙ Нурли тепа кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун 147822-сонли пудрат шартномаси тузишга келишилди.

Комиссия котиби :

Комиссия аъзолари :

К.Норматов

Ф.Азимжонов

Ш.Шадиёв

Г.Исроилов

М.Тогаев